Ушбу сонда:

2 АЁЛЛАР ИШ ЎРНИ ҚИСҚАРМАЙДИ

3 ҲАЁТГА УСТУНДИР ШОИР ЮРАГИ

4 *Мулоҳаза* БОЛАНГИЗГА КИТОБ ОЛИБ БЕРИНГ...

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 27 феврал, сешанба №32 (1046)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НАВРЎЗ

қалб меҳвари, дил гавҳари

Истиқлолнинг ўнинчи баҳори олтинранг қанотларида байрамларга бой элимизга Наврўзи оламни — янги кунни, янги йилни олиб келяпти. Неча асрлардан буён ота-боболаримиз интизорлик билан кутиб олган бу қутлуғ кун биз учун нақадар қадрдон, ҳаётбахш ва дилларимизга яқинлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Эзгуликнинг умри боқийлиги, уни на замон эврилишлари ва на давр довуллари маҳв этолмаслигига Наврўзи оламимиз яққол мисолдир. Тарихдан маълумки, жаҳонни жомдек қўлига олишни истаган юнонлар ҳам, босқинчиликни бош мақсад деб билган мўғуллар ҳам Шарқ халқларининг жонажон байрами — Наврўзни йўқ қила олмаганлар.

Узоқ ўтмиш эмас, яқин тарихимиз, аниқроғи, турғунлик йилларида ҳам маънавий қадриятларимиз гултожига не-не тошлар отилмади. Аммо илдизлари энг тиниқ чашмалардан сув ичган, поклик ва беғуборлик осмонига бўй чўзган, мевалари эзгулик ва яхшиликдан иборат бўлган Наврўз дарахти қалбимиз қўриқхонасида мангу яшайверди. Билъакс, уни эскилик сарқити дея бадном қилмоқчи бўлганларнинг ўзлари эл аро изза бўлишди.

Яратганга беадад шукрки, дил тўрида жон қушидек асралиб келинаётган Наврўз истиқлол туфайли яна самовий кенгликларга парвоз қилди. Мустақил юртимизда эзгулик, баҳор, табиат байрами сифатида кенг, зўр шоду ҳуррамлик билан нишонлана бошланди. Зотан, ўтмиш билан бугунни камалак янглиғ туташтирувчи бу янгиланиш байрамининг илдизлари кўҳна тарих замининнинг туб-тубига бориб тақалади.

Шоирлар шоҳи тожини кийган Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Абу Райҳон Беруний-нинг «Китоб аттавҳим»(«Тушунтириш китоби») ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарлари, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит -турк», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Ҳожа Али Термизийнинг «Наврўзнома», Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» ва «Хазойинул маоний» асарлари, беназир шоир Лутфийнинг гўзал достони «Гул ва Наврўз»да битилган Наврўз ҳақидаги қимматли фикрлар билан танишган киши бу байрамнинг қанчалар узоқ тарихга эга эканлигидан воқиф бўлади.

Наврўз ўзининг эзгулик нурига йўғрилганлиги, бағрига энг гўзал урф-одатларимиз, азалий қадриятларимизни жо этганлиги билан ҳам қадрлидир. Чунки, у баҳор байрами бўлиши билан бирга, айни чоғда, табиат ва меҳнат, асрлар бўйи давом этиб келаётган милий ўйинлар, спорт ва ижодкорлик, одамийлик, меҳмондўстлик, яхшилик, яратувчилик, меҳр-мурувват ва санъат байрами ҳамдир.

Қадим-қадимдан ажодларимиз Наврўз кунлари турли маросимларни ўтказишган. Уни меҳнат байрами сифатида нишонлашиб, ерга қўш солишган. Оммавий ҳашарлар уюштирилиб, қатор ободончилик ишлари амалга оширилган. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, чор-атроф кўкаламзорлаштирилган, янгидан-янги боғ-роғлар барпо этилган.

Наврўзнинг минг йиллар оша одамлар қалбида мангу яшаб келаётганлигига, наздимда, унинг байналминаллик хусусияти ҳам сабабдир. Чунки у элу элатларни янада бирлаштиради, эзгуликка ундайди, тинчликка чорлайди. Айни байрам кунлари ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа кўплаб миллат вакиллари ўз миллий таомларини тайёрлашиб, бир-бирларини сийлайдилар, дўстлик байрамини шоду ҳуррамлик билан биргаликда нишонлашади.

Ҳар бир онимиз ижодий янгиланишдан, демократик тамойилларнинг таркиб топишидан иборат ҳозирги кунда Наврўзнинг аҳамияти ва қадри янада ошиб бормоқда. Халқ урф-одатларини сақлаш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар орасида бу эзгулик байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш муҳим ўринга эга.

Уйғониш ва бунёдкорлик, эзгулик ва муҳаббат байрамига мустақил мамлакатимиз аҳли ўзгача ҳозирлик кўради. Байрам арафасида янги-янги иншоотлар фойдаланишга топширилиши, боғ ва ҳиёбонлар барпо этилиши ҳам истиқлол йилларида хайрли анъанага айланди. Бу анъана йилдан-йилга мустаҳкамланиб, кенг қулоч ёймоқда. Байрамларга бой юртимизга истиқлолнинг ўнинчи баҳорини олиб келаётган Наврўз кунлари халқимиз руҳиятидаги самовий кўтаринкилик, яратувчилик ишқи янада кучаяди. Байрамга тайёргарлик ишлари қизғин тус олади.

Эркинлик эпкинлари эсган боғларимиздаги дарахт ҳамда буталарга агротехник ишлов ва шакл берилади. Дилларни дилларга туташтирувчи барча йўллар таъмирланади. Баҳорни соғинган далалар, дам олиш масканлари, бозор ҳудудлари тартибга келтирилади ҳамда кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Анъанага кўра, ҳар йилгидек бу йил ҳам Наврўз олдидан янги боғ-роғлар барпо этилади. Меҳрибонлик ва қариялар уйлари, болалар боғчалари, касалхоналар ҳудудлари янада ободонлаштирилади, уларнинг атрофига манзарали ва мевали дарахтлар экилади. Умумхалқ «Наврўз» байрамини муносиб кутиб олиш, юртимиз табиатини соғломлаштириш, мамлакатимиз чиройига чирой қўшиш, аҳоли ўртасида табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисидаги Қароридан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам шундан иборат.

Албатта, бундай кенг кўламли ишда қатор вазирликлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари, «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз» сингари кўплаб жамғармалар, барча ташкилот ва муассасалар, корхона ҳамда таълим масканлари фаол иштирок этишади. Айниқса, асрлар давомида анъанавий тарзда шаклланиб келган ҳашар айни шу кунларда ўзининг неларга қодир эканлигини яна бир бор намойиш этмоқда.

Нияти яхшилик, кутгани меҳмон, дил мулки саховат бўлган халқ яшаётган юртга ташриф буюраётган Наврўзнинг қадами қутлуғ келсин!

Темир ҚУРБОН,
филология фанлари номзоди.

Наврўз айёми арафасида Наманган вилоятининг Давлатобод туманида энг яхши маҳалла кўрик-танлови эълон қилинди.

КЎРИК - ТАНЛОВ

Танлов ҳайъати тумандаги 12 маҳалла орасидан энг намуналисини аниқлаши керак. Маҳалла ичида соғлом муҳит яратилиши, ёрдамга муҳтож кишиларга қўшимча ёрдам кўрсатилишининг аҳволи, иш билан банд этиш даражаси танловнинг асосий мезонлари ҳисобланади.

Шунингдек, маҳаллалар ҳудудининг санитария ҳолати, уларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳам муҳим шартлардан биридир. Туманнинг ҳар бир маҳалласида кичикроқ мевали боғ барпо этилиши керак. Шунингдек, ўйин ва спорт майдончаларининг жиҳозланиши ҳам ҳисобга олинади.

Кўрик-танловга Наврўз байрами арафасида якун ясалади. Энг яхши маҳаллалар гузарларини жиҳозлаш учун телевидеоаппаратура билан тақдирланади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Абидовни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Акилжон Абидов Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 феврал

«НАВБАҲОР» БАҲОРИ

репортаж

Дўстлик туманидаги «Навбаҳор» кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик аъзолари йил бошидан янги услубда иш юрита бошладилар. Бундан буён жамоа пайчилик асосидаги ширкат хўжалигига айлантирилди.

Хўжаликда баҳорги юмушлар аллақачон бошлаб юборилган. Идора олдидаги махсус жойда иш қизғин борарди. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ана улар ҳозиргина даладан келтирилган тут, олма, узум, анор сингари ўндан ортиқ турдаги кўчатларни саралаб, ортиқча шоҳларини кесиб тартибга келтиришмоқда.

— Зуҳра Эргашева бўламан дея ўзини таништирди ишчилардан бири, - ҳамкасбим Мақсад Кенжаева сингари ходимларимиз билан кунига мингларча туп ниҳолларни саралаб, мижозларга жўнатяпмиз. Назаримизда вилоятимизда баҳор бизнинг хўжаликдан бошланди гўё...

Хўжалик раҳбари Пайзулло Муртазоқулов ҳамроҳлигида иш жараёнини кузатар эканмиз, ўзига хос конвейер усулида иш ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Ҳозиргача биз билан шартнома тузган хўжалик, ташкилот ва бошқа жамоаларга 10 минг туп-дан ортиқроқ турли мевали ва манзарали ниҳоллари сотдик, - дейди П.Муртазоқулов. — Айниқса тут кўчатига фермерлар талаби катта бўлаяпти. Уларга бу йил 20 минг туп тут кўчати етказиб берамиз.

Чўл шароитида қайрағочнинг ўрни алоҳида. Негаки, бу дарахт экинни шамолдан асрабгина қолмай, қалин соя бериши, тупроқни эрозиядан сақлаши билан ҳам аҳамиятлидир. Хўжалик бу йил мижозларга 20 минг туп қайрағоч ҳам етказиб беради.

Кўчат етказиш игна билан қудуқ қазишдек гап дейди, - тажрибали боғбон Неъмат Ҳазратов. Деҳқон ўзининг меҳнати мевасини бир йилда кўрса, биз кўчат етиштирувчилар уч йилгача кутамиз. Уруғидан униб чиққан ниҳолларни гўдак парваришлагандек меҳр қўйиб ривожлантирамиз.

Хўжаликда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари уруғчилигига эътибор яхшиланиб бораяпти. Бунда бош ҳосилот Фахриддин Қўлдошевнинг ҳиссаси катта. Ўз ишининг усталари бўлган боғбонлар Н.Ҳазратов, Э.Дўстматовлар олча, ўрик, олма кўчати тайёрлашда жонбозлик кўрсатишди. Ярим гектар ерга экилган бехи уруғининг барчаси хўжаликда тайёрланди.

Ўтган йили хўжалик кўчатчиликдан 1,5 миллион сўм соф фойда олди. Шунинг эвазига С.Тўйжонов, С.Соипов, Т.Рустамов, К.Раҳимов сингари ўнлаб ишчилар салмоқли даромадга эга бўлишди.

Даромадга қараб буромад деганларидек, ишчиларнинг қўли пул кўргач, рўзғор камчиликлари бутланиб, тўй-томошалар кўпайди. Хўжалик касабақўм раиси Қодир Абдураимов раҳбарлигида жамоа аъзолари республикамизнинг тарихий жойларига уч марта саёҳат уюштирилди. Сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Жамоа шартномалари бандлари тўла бажарилишига эришилаяпти.

Пайчилик асосидаги ширкат хўжалигининг низом жамғармаси 13 миллион 400 минг сўмни ташкил этади. Шундан пай жамғармаси 8 миллион 40 минг сўм бўлиб, унинг 55 фоизи пай улуши сифатида тақсимланиши мўлжалланган. Касабақўм аралашуви билан пай жамғармасининг 5 фоизи 25 нафар нафақахўрга пай миқдоридан улуш сифатида ажратиладиган бўлди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Булоқбоши туманидаги Найман қишлоғида олтита маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Улар орасида Абдумухтор Жўраев раислик қилаётган «Сарбонтепа» маҳалла фуқоролар йиғинининг фаолияти эътиборга лойиқдир.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ТАРҒИБОТИ

Бу ерда ҳуқуқий билимлар тарғиботи, аҳолини, айниқса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, «оила-маҳалла-мактаб» алоқаларини мустаҳкамлаш ишлари яхши олиб борилмоқда. Маҳалла фуқоролар йиғини раисининг ташаббуси билан бу ерда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш учун халқ университети ташкил қилинди. Унинг биринчи машғулотида тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқоролар йиғинлари раҳбарлари иштирок этди.

(ЎзА).

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Шу кунларда Германия спорти ҳаётида шов-шувга сабаб бўлган иккита муҳим воқеа содир бўлди. Ўзбекистонлик спортчилар - боксчи Артур Григорян ва дзюдочи Фарҳод Тўраев ўзларининг навбатдаги ғалабаларини қўлга киритди.

Ўн уч карра жаҳон чемпиони Артур Григорян жаҳонда юқори рейтингга эга бўлган испаниялик боксчи Хосе Анжел Перес билан учрашди. У профессионал рингда ўтказган ўн олти жангидан 15 тасида ғалаба қозонган, шундан 13 тасини нокаут билан якунлаган.

Испаниялик боксчи билан бўлган жангда Артур Григорян олтинчи раундда ғалабага эришди ва ўн тўртинчи марта жаҳон чемпиони бўлди.

Мюнхенда бўлиб ўтаётган дзюдо бўйича «Гран-при» туркумидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Фарҳод Тўраев олтин медалга сазовор бўлди.

(ЎзА).



ҚАСАМИНИ УНУТГАНЛАР

Омонатга хиёнат

Ҳар бир шифокор мастақил иш бошлашдан аввал тантанали равишда Гиппократ қасамини қабул қилади. Унда врачнинг беморлар сиҳат-саломатлиги йўлида фидойиларча хизмат қилажаги, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз мукаддас бурчига содиқ қолиши кўрсатиб ўтилади. Лекин Самарқанд вилоятидаги тиббиёт ходимлари иши билан яқиндан танишиб, уларнинг баъзилари бу табаррук қасамни тез орадаёқ унутиб юборганликларига шоҳид бўлдик.

ГИППОКРАТ

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларда «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Яхшиси, аниқ факт ва мисолларга мурожаат қилганимиз маъқул. Иштихон туман марказий шифохонаси туғруқ бўлимининг шифокорлари Г.Эргашева ва Н.Бекназароваларнинг ўз ишларига жиноятқорона муносабатда бўлганликлари оқибатида беморлар С.Турғунова ҳамда М.Давирова ҳаётдан кўз юмганлар.

Аёлларнинг ҳомиладорлик вақтида соғлиғини сақлашга баъзи жойларда панжа орасидан қаралмоқда. Пастдарғом, Пахтачи, Челак туман шифохоналарида ҳомиладор аёлларни кўрикдан ўтказишда қўпол равишда бузганлиги, ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаганликлари учун 129 нафар тиббиёт ходими вилоят болалар касалликлари ва ўлимга қарши кураш қўмитасининг қарорига асосан интизомий жазога тортилган. Иштихон туман марказий шифохонасининг туғруқ бўлими мудири Р.Холжигитов ғайриқонуний равишда ҳомила туширириб, жиноят содир этган ва суд ҳукми билан унга нисбатан айблов эълон қилинди.

Беморларга шарт-шароит яратиш устида ҳам айрим жойларда тузукроқ ўйлаб кўрилмаяпти. Сиёб туманидаги кўп тармоқли болалар клиникасида бўлимлардаги хоналар иситилмайди. Тоза сув йўқ. Бу шифо масканида стерилизация қоидалари бузилаётган, дори-дармонлар етишмайди.

Профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар ҳам шу кун талаби даражасида эмас. Масалан, ўтган йили вилоятда аҳолини юқумли касалликларга қарши эмлаш режаси бажарилмади. Бунинг сабабини эса айтишга ҳам уяласан, киши. Шу мақсадга мўлжалланган маблағлар нафси ҳакалак отган кишилар томонидан талон-тарож қилиб юборилган. Чунончи, Л.Исаев номли тиббий -паразитология илмий-тадқиқот институтининг бош ҳисобчиси М.Аҳмаджонова ва унинг ҳамтовоқлари 150 минг сўмга яқин маблағни ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборишган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли омбор мудири О.Ҳакимов, Каттақўрғон туман марказий шифохонасининг бош ҳисобчиси О.Эргашев кўп миқдордаги дори-дармон ва маблағларни талон-тарож қилганлар.

Оқ халатга доғ туширириб, шифокор номини ерга ураётган баъзи бир кимсалар беморлар ҳамёнига кўз олайтиришдан ҳам уялмаётирлар. Ўтган йили Гўзалкент, Пайариқ, Пастдарғом туманлари, шунингдек, Самарқанд шаҳрида айрим шифокорлар пора билан қўлга тушиб, жазоландилар.

Халқнинг сиҳат-саломатлиги Яратганнинг омонатидир. Унга хиёнат қилиш ўтакетган оғир жиноят эканлигини бир лаҳза бўлса-да назардан қочирмаслик даркор. Мазкур кўнгилсиз ишлар «Оналар ва болалар йили»да содир этилганлиги эса умуман кечириб бўлмас ҳолдир.

Ё. ТУРДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг умумий бўлими мудири.
Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

АЁЛЛАР ИШ ЎРНИ ҚИСҚАРМАЙДИ

«Соғлом авлод йили»да кўп болали оилаларга қўшимча имтиёзлар яратиб бериш мақсадида жамоа шартномасига ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқаётган аёлларга қўшимча равишда иш ҳақи сақланган ҳолда бир ойлик таътил бериш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар фарзандларининг оромгоҳларда дам олишлари учун тўланадиган тўловларни хўжалик ҳисобидан амалга ошириш, хотин-қизлар иш жойларини қисқартирмаслик, иш ҳақини камайтирмаган ҳолда енгил ишларга ўтказиш, боғча-яслилар учун пул ўтказиш каби имтиёзлар киритилганлиги айни муддао бўлди.

Вилоят қўмитасининг меҳнат ва экологияни муҳофаза қилиш бўлими томонидан олиб борилган фаолият натижасида 37 ташкилот, фермер хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари текширилиб, қонун талаблари бузилган субъектлар маъмуриятларига 31 та кўрсатма берилди. Шунингдек, кўплаб хўжаликлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда тадбир ва кўрсатмаларнинг бажарилиши юзасидан доимий назорат олиб борилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни кўпол равишда бузганлиги учун масъул ходимлардан 3 нафарига 4000 сўмдан жарима солинди, 7 дастгоҳ-ускуна ва 1 та цех инсон ҳаёти учун хавфли бўлгани сабабли вақтинча ўз фаолиятини тўхтатди.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил этиш масалалари ҳам эътибордан тушмади. Вилоят касаба уюшмасига қарашли 9 та болалар оромгоҳида мавсумда 4105 нафар бола дам олдирилди. Жорий йилда эса улар сони 3080 нафарни ташкил этиши режалаштирилган. Оромгоҳларга кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди. 309 нафар кишига турли шифо масканларига йўлланмалар берилди. Бу хайрли ишга қилинган сарф-харажат 12 миллион 533 минг сўмни ташкил этди.

Давр касаба уюшмалари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шу асосда хўжалик раҳбарияти ва фермер ўртасида тузиладиган шартномаларда касаба уюшмаларининг иштироки ҳамда барча меҳнат низолари жамоа шартномасига мувофиқ ҳал этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, алоҳида банд сифатида киритилган турли спорт мусобақалари ўтказиш учун майдончалар қуриш, клубларни таъмирлаш, тўгараклар очиш, кутубхоналарни янги китоблар билан бойитиш каби масалалар ҳам навбатма-навбат ўз ечимини топмоқда.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,
Навоий вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ОРЗУЛАР УШАЛГАНДА

Янги асрнинг биринчи йили мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Бундан кўзланган мақсад миллатимиз келажагига бўлган эътиборни янада кучайтиришдир. Шунга жавобан Сурхондарё вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳам ўз ҳаракат дастурини ишлаб чиқди.

Ҳаракат дастуридан, жумладан моддий ёрдамга муҳтож талаба ва ўқувчи ёшларни дарсликлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш, якка-ёлғиз оналарга ҳар томонлама кўмаклашиш, кам таъминланган, кўп болали оилалар, меҳнат фахрийлари ҳамда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари асосий ўрин олган. Шунингдек, «Ўқитувчи» санаторий-профилакторийсида даволаш ва дам олиш ишларини намунали ташкил этиш, ёз ойларида ўқувчи ёшларни тоғ ён бағирларидаги сўлим оромгоҳларда кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига шароит яратиш, тармоқ спорт жамоаларини керакли спорт анжомлари билан таъминлаш, уларнинг республика мусобақаларида фаол иштирок этишлари масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Ундан ташқари вилоят ёшлари йил давомида Самарқанд, Хива, Тошкент, Бухоро каби шаҳарларга саёҳат қиладилар. Шу билан бирга уларнинг ҳуқуқий билимини, маданиятини юксалтириш мақсадида «Сиз қонунни биласизми?», «Ҳуқуқ ва бурч нима?», «Жиноят ва жазо», «Гиёҳвандлик ва унинг зарари», «Маънавият ва маърифат», мавзуларида маърузалар, давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар уюштириш режалаштирилган.

Эсда қоларли тадбирлардан яна бири дастурда республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида, мактабларда «Ўзбекистон Ватаним маним», «Йил ўқитувчиси», «Йил мактаби» каби ўнлаб кўрик-танловларни ўтказиш тадбирлари белгиланган.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

МЕҲРУ ОҚИБАТ

Мамлакатимизда жорий йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши ҳар бир волида ва унинг фарзандларининг соғлом ва бакувват бўлиши учун давлат томонидан қилинаётган оталарча ғамхўрликдан нишонадир. Бундан «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат ташкилоти Фарғона шаҳар таянч пункти ҳам четда қолгани йўқ.

Пункт мутасаддилари шаҳардаги саховатпеша корхона ва ташкилот меҳнаткашларининг саъй-ҳаракати туфайли кам таъминланган оилалар фарзандларини даволашга беминнат ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ёрмозор қишлоғининг Шаршара маҳалласи 21-уйда яшовчи Саодат Ҳасанова таянч пунктига ўғли Алишерни даволашга ёрдам кўрсатиш юзасидан ариза билан мурожаат қилган эди. Оиланинг шароити атрофлича ўрганилиб, дори-дармон сотиб олиш учун 11 минг 250 сўм ажратиб берилди.

«Ўзбекистон овози» кўчаси, 7-уйда яшовчи Гўзалхон Шокирова ёшликдан ногирон. Унга ҳам Тошкент педиатрия институтида даволаниши учун 30 минг сўм миқдорида ёрдам пули ажратилди.

Шунингдек, Навоий кўчаси, 50-уйда истиқомат қилувчи, туғма ногирон Матлуба Маматова ҳамда фуқаро Н.Кареевининг фарзанди ҳам таянч пункти мурувватидан баҳраманд бўлди.

Амалдаги йилнинг дастлабки ойларида 20 нафар ҳамшаҳарларимизга тегишли моддий ёрдам кўрсатилди.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: 1.Қарийб 30 йилдан буён халқ хизматида бўлиб келаётган жонкуяр шифокор Зубайда Каримова. 2.Бинонинг умумий кўриниши.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

ТОҒ ОЛДИ

қишлоқларига тиббий хизмат

Ҳазрати Башир қишлоғи нафақат Китоб туманида, бутун Қашқадарё вилоятида ўзининг бетакрор ва гўзал табиати, мафтункорлиги билан машҳур. Унинг зилол сувини ичган кишининг тани яйрайди, ўзини жисман бардам ҳис этади. «Варганза» хўжалиги аҳолиси истиқомат қиладиган бу қишлоқда илгари тиббий хизмат кўнгилдагидек эмас эди. Яқинда у ерда қишлоқ шифокорлик пункти биносининг фойдаланишга топширилиши ҳаммани хурсанд этди.

— Умумий ҳисобда 25 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилган ушбу масканда инсонлар кўрикдан ўтиши ва даволаниши учун барча қулайликлар яратилган, — дейди Китоб туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳакими Барака Абдуллаев. — Ҳозир физиотерапия, дорихона, педиатрия, акушерлик-гинекология бўлимлари ҳамда кундузги шифохонада даволанувчиларга малакали хизмат кўрсатиляпти.

Ислоҳат инсон учун

ТОПГАНИМИЗ ЎЗИМИЗНИКИ

дейди «Хоразмпахтасаноатсотиш» очиқ турдаги ҳиссадорлик бирлашмаси ишчи-хизматчилари

Касаба уюшма қўмитаси ҳисобида 13 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатади. Улар 5 мингдан зиёд аъзоларни ўз атрофига бирлаштирган.

Бирлашмада ўтган йили товар маҳсулоти ишлаб чиқариш режаси 105.5 фоизга бажарилди. Йил давомида 73182 тонна тола, 5911 тонна момиқ, 120 тонна чигит ишлаб чиқарилди. Бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам ошди. Бунинг натижаси 250 миллиондан зиёд соф фойда олиш кутилмоқда. Даромаднинг катта бир қисми ҳиссадорларга дивидент сифатида берилади. Қолган қисми эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, кўп болали, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган, етим-есир ногиронларга моддий ёрдам сифатида ҳамда ижтимоий ва меҳнат муҳофазасига ажратилади.

Ҳа, вилоятда соҳа меҳнаткашларининг реал даромадлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Урганч тумани пахта тозалаш заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидаги ишлар айниқса диққатга сазовордир. Маҳсулотларнинг аксарияти Англия, Швеция, Швейцария мамлакатларига сотилмоқда.

Ойлик маошлар ҳам шунга яраша, ўртача 18 минг сўмга тўғри келяпти. Бундан ташқари, касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларга бепул тушлик ташкил қилган. Ишчилар ошхонаси учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бир қисмини ёрдамчи хўжалик етказиб бермоқда. Умуман, ўтган йили корхона ишчи-хизматчиларнинг бепул овқатланишлари учун 8,5 миллион сўм, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш шароитларини яхшилаш учун 2 миллион сўм пул сарфлади.

Жамоа шартномасига биноан фахрийлар, шунингдек, боқувчисини йўқотган, кўп болали, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар, ногиронларга ҳар байрамда совғалар тарқатиш йўлга қўйилган.

Жамиятга қарашли «Пахтаой» боғчаяслисидаги ишлар янада қувонарли. Олий маълумотли педагог Зулфия Абдуллаева мудиралик қилаётган бу боғча-яслида болажонлар тарбияси намунали ташкил қилинган. Турли хил ўқув ва ўйин машғулотлари қатъий режимга риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда. Бу ерда кичкинтойлар инглиз тили, арифметика, ўзбек тили ва адабиёти, тасвирий санъат ва ашуладан дастлабки сабоқларни олмоқдалар.

Дарвоқе, Қўшкўпир пахта тозалаш заводи боғча-яслисидаги ишлар ҳам «Пахтаой»никидан қолишмайди.

Бирлашманинг Хонқа, Шовот, Янгибозор, Боғот туманлари пахта тозалаш заводлари ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Энг муҳими, соҳа ишчи-хизматчиларининг меҳнат ҳақлари ва дивидентлар ўз вақтида бериб бориляпти, ойлик маошлари эса тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, Хонқа туманида «Жайхун», Хазорасп туманида «Дўстлик», Хива туманида «Наврўз», Гурлан туманида «Камалак» сиҳатгоҳлари фаолият кўрсатиб турибди. Бу ерда меҳнаткашлар соғлиғини тиклаб, кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар.

Бирлашма ишчи-хизматчилари ва касаба уюшмасининг ташаббуси билан Урганч шаҳрида барпо қилинган «Тез тиббий ёрдам» вилоят шифохонасига замонавий тиббий дастгоҳлар сотиб олиш учун 50 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги даврда вилоятдаги болалар шифохонасини таъмирлаш ишларида ҳамда Урганч шаҳридаги спорт-соғломлаштириш мажмуини барпо қилишда бирлашма жамоалари фаол қатнашмоқда. Шунингдек, туман пахта тозалаш заводлари ҳиссадорлик жамиятлари ҳам жойлардаги тиббий муассасаларни жиҳозлашда моддий ёрдам бермоқдалар.

Бу ташкилотчилик ва ташаббускорлик ишларини касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Зотан, халқимиз меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деган пурмаъно ҳикматни бежиз айтмаган.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ФАХРИЙЛАРГА ДОРИ-ДАРМОН БЕПУЛ

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш касаба уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бунинг далили сифатида яқинда туманимизда 4 та янги қишлоқ тиббиёт шоҳобчаси фойдаланишга топширилганини мисол қилиб келтириш мумкин. Мавжуд 20 та қишлоқ тиббиёт нуқталарига халқаро банк томонидан «Саломатлик» дастури асосида асбоб-ускуналар ажратилгани ва жиҳозлар сотиб олингани нур устига аъло нур бўлди.

Ҳозир туман марказий шифохонасида 30 ўринли оналар ва болалар бўлими, болалар поликлиникаси, жойларда 2 та доялик мажмуи фаолият кўрсатмоқда.

Шуниси эътиборлики, уруш қатнашчилари ва ёлғиз пенсионерлар бепул дори-дармон билан таъминланаётир.

Тармоқ ходимларининг иш шароитини яхшилаш, дам олишларини ташкил этиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ойлик маошлар вақтида берилаётир. Шунингдек, ишловчилардан беш киши «Семашко» номидаги сиҳатгоҳда дам олиб, даволанди. Тармоқ меҳнаткашлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам диққат марказида. Хусусан, ўтган йилги мавсумда соғлиқни сақлаш ходимларининг 25 нафар фарзанди оромгоҳларда ҳордиқ чиқардилар. Шунингдек, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам сифатида 450 минг сўмлик маблағ ажратилди. Касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилган 25 нафар кишига 125 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

Жорий йил учун тузилаётган жамоа шартномасига ходимларимиз саломатлигини янада мустаҳкамлаш, айниқса оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза этиш масалаларини алоҳида банд қилиб киритдик.

Муқим БЕКНАЗАРОВ,
Қизилтепа туман марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Касаба уюшмаси ёрдамга келди

МЕҲНАТ ҚОНУНЛАРИ

қаерда ва нега бузилмоқда?

Ўзбекистон мустақиллигининг шонли ўн йиллигини муносиб кутиб олиш, барча жойда меҳнат тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя қилиш, аҳоли ўртасида тарбиявий, маданий-маърифий тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказиш шу куннинг муҳим вазифаларидандир.

Буни яхши тушунган республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари тегишли вазирлик ва унинг жойлардаги кўп сонли тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, муассаса раҳбарларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан қатор ишларни амалга оширди. Биринчи навбатда муассаса раҳбарлари ва касабақўм раислари ўртасида ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида семинарлар уюштирилди.

Шунингдек, барча касабақўм етакчиларига «Меҳнат кодекси», «Меҳнат кодекси тушунчалари» тўғрисидаги услубий қўлланмалар, бошқа норматив ҳужжатлар етказиб берилди. Бунинг натижаси ўлароқ касабақўмлар тармоқ ходимлари ҳуқуқларини янада фаолроқ ҳимоя қилишга киришдилар. Масалан, Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Нукус филиали, республика болалар клиникаси шифохонаси, 2-поликлиникада меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилиниши натижасида вазифасидан бўшатилган тўрт нафар ходим ўз ишига қайта тикланди. Бундай ҳоллар 2-Қорақалпоғистон Республика, Нукус туман марказлашган ва Тахиатош шаҳар шифохоналарида ҳам содир этилганди. Ғайриқонуний ишдан бўшатилган ходимларнинг ўз вазифаларига тикланишига эришилди.

Айрим раҳбарлар ўзбошимчалик билан штатлар жадвалини қисқартириб, ишловчиларнинг ишдан бўшаб кетиши учун «йўл очиш» каби нотўғри хатти-ҳаракатлар қилганликлари аниқланиб, қинғир ишларига ўз вақтида барҳам берилди. Жумладан, Кегейли туман марказлашган касалхонасида 17, республика болалар шифохонасида бир нафардан тиббий ходим штат жадвали қисқартирилиши баҳонасида ишдан бўшатилган. Касаба уюшмаларининг фаол саъй-ҳаракати билан улар ўз иш ўринларига қайта тикландилар.

Касабақўмлар ариза ва шикоятларни диққат билан ўрганиш, уларда кўтарилган масалаларни ўз жойида ҳал этиш юзасидан ҳам сезиларли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, икки ёшгача бўлган фарзандларини тарбиялаш учун белгиланган нафақаларнинг ўз вақтида берилмаслиги, коммунал хизматга доир имтиёзлардан фойдаланишда тўғаноқ бўлаётган қусурлар хусусида ва бошқа шунга ўхшаш қатор масалалар билан кўплаб мурожаат қилишади. Масалан, Афғонистон уруши қатнашчиси, Чимбой шаҳридаги руҳий касалликлар шифохонаси ходими П.Сарбоевдан қонунга хилоф равишда даромад солиғи ушлаб қолинган. Мазкур масала ўша жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Шунингдек, ариза ва шикоятларни текшириш жараёнида Беруний, Қонликўл, Кўнғирот, Қораўзак, Нукус туманлари марказий, Тахиатош шаҳар шифохоналари, Қонликўл, Кўнғирот, Нукус туманлари давлат санитария-эпидемиология назорат марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси руҳий касалликлар диспансери ва яна бир қатор тиббиёт масканларида меҳнат тўғрисидаги қонунлар очиқдан-очиқ бузилаётгани ҳолларига дуч келинди. Мазкур масала ўз ижобий ечимини топмагунча назорат давом эттирилди.

Баъзи муассасаларда эса ходимларнинг ўз ихтиёрлари билан шартномани бекор қилиш масаласида огоҳлантириш муддатига риоя қилинмаётир. Шунингдек, меҳнат дафтарчаларини тўлдириш ва юргизишда ҳам қатор нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Бундай нохушликларни тугатиш учун муассасаларнинг шу соҳа бўйича масъул ходимларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, айрим муассасаларда ёш болали оналарга вақтида нафақаларини тўлаб бориш ва ишлаётган фарзандли аёлларга қисқартирилган иш кунини белгилашда ҳам эътиборсизлик юз бераётир. Масалан, Қораўзак марказий шифохонаси ходимаси А.Тўраниёзовага икки ёшгача бўлган боласи ҳамда 12 ёшга етмаган 4 нафар фарзанди бўлишига қарамасдан тўлиқ иш куни белгиланган. Ушбу масала ҳам ижобий ҳал этилди.

Қўмитамиз ва унинг таркибидаги бошланғич ташкилотлар бундан кейин ҳам меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг ҳар қандай кўринишларига қарши изчил иш олиб бориб, меҳнат қонунлари интизомнинг мустаҳкам асоси эканлигини амалда исботлашга ҳаракат қилаверадилар.

Ҳ. БОЙНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

МАҲАЛЛА — ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасида Оқсоқоллар кенгаши билан ҳамкорликда «Она ва бола» дастурини амалга оширишда маҳалланинг ўрни мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда Дастурнинг маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ бўлган бандлари юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ўртага ташланди.

— Дастур маҳаллаларда боқувчисиз қолган ёки ёш болали оналарни ижтимоий ҳимоя қилиш, «Ота-оналар дорилфунуни»ни ташкил этиш, мактабгача болалар муассасаларига қатнамайдиган кичкинтойлар учун мактабга тайёрлайдиган жамоатчилик таълим спорт мажмуалари қуриш ва шу каби кўплаб масалаларни қамраб оладики, бу дастурнинг нечоғли ҳаётий эканлигидан далолат беради, - деди анжуманда сўзга чиққан шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ижроия директори Аҳида Азизова. — Бу борада айрим маҳаллаларимизда ҳозирданоқ ўрганишга, ўз фаолиятига татбиқ этишга арзигулик ишлар қилина бошланди.

Мирзо Улуғбек тумани Шукур Бурхонов номидаги маҳалла оқсоқоли Шуҳрат Жўраев «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда ўз маҳалласида қилинаётган ишлар борасида тўхталиб ўтди. Хусусан маҳаллада аҳоли ҳаётининг ҳар бир жабҳаси билан узвий боғлиқ ҳолда ишловчи махсус комиссиялар ташкил этилган. Комиссияларда қирқ саккиз нафар киши фаолият кўрсатяпти. Улар аҳолига ҳуқуқий йўл-йўриқлар кўрсатиш, ишсизларни иш билан таъминлаш ва шу каби ҳаётий зарур масалалар билан шуғулланадилар. Бундан ташқари тикувчилик цехи ва нонвойхона очилган. Тикувчилик цехи уй бекаларини ҳам иш билан таъминлаяпти.

Анжуманда шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалласи хотин-қизлар қўмитасининг иш тажрибаси ҳам кенг ёритилди. «Қадриятлар даврасі» нодавлат ташкилоти раиси Муборак Юнусхўжаева ҳамда шоира Нодира Рашидоваларнинг ёшларни маънавий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш хусусидаги фикр-мулоҳазалари тингланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан

ШУҲРАТ

Озодлик шарофати билан Миллий тараққиёт, Миллий камолот йўлидан дадил бормоқдамиз. Халқимизнинг бу муборак кунларга етиб келиши осон бўлмади. Мустақиллик мустаҳкамланиб боргани сари яқин ўтмишимиз тарихи, эрксевар, ватанпарварларнинг авлодларга қолдирган маънавий, маърифий меросини ўрганишга қизиқиш тобора ортмоқда. Негаки, тарихни билмаганнинг келажаги бўлмайди. Инсон ҳамиша ўз аждодлари тарихи билан бугуни, эртасини ўйлаши билан барҳаётдир. Зеро, маънавий поклaниш ўзликни англатади, миллатни янги юксакликлар сари бошлайди.

Собиқ шўро даврида ўз халқи, миллати манфаатини ҳимоя қилган, миллий қадриятларни улуғлаган Ватан фидойилари «миллатчи» сифатида таъқиб этилди. Истиқлол эса ана шундай халқ ва Ҳуррият йўлида жонини фидо қилган, азият чеккан инсонларга суянч ва посбон бўлди.

Газетамиз Мустақилликнинг 10 йиллиги олдидан Ҳуррият йўлида жон тиккан азиз инсонлар хотирасини ёд этиш ниятида туркум мақолалар беришни ният қилган. Уларда миллатпарвар боболаримизнинг эзгу ишлари яна бир бор ёд этилади. Илло, Абдулла Қодирий айтганидек, «Мозийга боқиб иш кўрмоқ хайрлидир».

ҲАЁТГА УСТУНДИР ШОИР ЮРАГИ

Адабиётни изланувчан, машаққатли ижод заҳматини чеккан истеъдодлар яратади, дейишади. Бу ҳақ гап. Аммо ҳақиқий санъат дурдоналари дунёга келиши учун фақат заҳмат, изланиш камлик қилади. Ҳақиқий адабиётни қалбида миллий ғурур, миллий фахр-ифтихор, она Ватанга буюк муҳаббат туйғулари жўш урган ижодкорлар яратади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, адолат ва эзгулик куйчиси Шуҳрат (Ғулом Алимов (1918-1993) ижоди буни тўла тасдиқлайди. У қарийб олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида она Ватанини, жони жонга туташ меҳнаткаш халқини, сахий заминни, серқуёш диёрини ёниб куйлади. Шоир ғам-қайғуда ҳам, шоду хуррамликда ҳам ўз сози, ўз овози билан халқ юрагига кириб борди. Унинг ҳар шеърида ўзбекнинг самимий, соддадил қиёфаси, пок қалби, олижаноб виждони акс этарди. Унинг ҳар сўзида давр қиёфаси акс этар, шунинг учун ҳар бир китобхон унинг қайғусида ўз қайғусини, унинг қалби орқали ўз қалбини англарди.

Шуҳрат машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтди. 37-йилнинг машъум қирғинлари адабиётга шиддат билан кириб келган ёш шоирни ҳам ўз домига тортди. Не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади. Бу орада уруш бошланди. Шоир ҳам қалам, ҳам қурол билан душманга қарши турди. Шуҳрат уруш йилларининг оғир синовидан омон ўтди. Эндигина тинч ижодга етишган онида яна ҳаёт шоирнинг бедор қалбини синовга олди. Шуҳрат «Яхшиликдир инсоннинг бурчи» шеърида ўз қисмати ҳақида шундай ёзади:

Не-не тўлқин ўтди устимдан,
Не-не чақмоқ ёнди бошимда.

Тун қанчалик қора бўлса, юлдузлар шунчалик ёрқин нур таратганидек, Шуҳрат атрофидаги қора булутлар қуюқлашган сари унинг келажакка ишончи, умиди шунчалик кучайиб борди. У бир дақиқа ҳам ижоддан чекинмади, мардона ишлади, устозларига, эътиқодига содиқ қолди. Урушда кўрган-кечирганларини акс эттирувчи «Шинелли йиллар» романи устида жиддий ишлади. Аммо сиёҳи қуримаган роман адибнинг ижод столида қолиб кетди...



«Шинелли йиллар» романини ўқиганлар англайди адиб сочларидаги оқни, шоир қалбидаги туғённи. Бу романни ҳар ўқиганда ҳаётни уқади киши, маънан юксалади. Шуҳрат йилт этган истеъдодни излаб топар, уни қўллаб-қувватлар, катта ижодга киришига раҳнамолик қиларди. Ўзи ҳам устозларини чин эътиқод, ихлос билан севар, уларга ҳамиша содиқ эди. Шуҳрат 1988 йилда матбуотда босилган бир суҳбатида Усмон Носир «Чўлпон ўзбек шеъриятининг подшоси» деб таърифлагани, «унинг шеърларини ўқиб шоир бўлганман» деган иқрорини қаламга олган эди. Усмон Носир Чўлпонга руҳдош, издош бўлса, Шуҳрат Усмон Носирнинг этагини тутган, унга эргашган, ундан илҳом олган шоир эди. У устозларидек давр сиёсатининг қилвирликларини, бутун зиддиятларини қалби билан идрок этган санъаткор эди. Ана шу эътиқоди туфайли 50-йилларда Шуҳрат 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Айни ижоди гуллаб-яшнаган ёшлик, йигитлик даври лагерларда ўтди. Адолат эгилади, аммо синмайди. Ҳақ тантана қилди ва у шахсга сиғиниш даврининг фожеаларини «Олтин сангламас» романида акс эттирди. Фақат ҳаётнинг ижобий томонлари қаламга олинадиган даврда бу роман жасорат тимсоли эди.

Мен ҳаёт кўрмадим силлиқ ва равон,
Неча бор қоқилдим, йиқилдим гоҳо,

Шоир ўзи таъкидлаганидек, даврдан ҳеч ҳаловат топмади. Ватанга муҳаббат, садоқат руҳига чўмган «Жаннат қидирганлар» романи ҳам китобхон қўлига етгунча неча бор бўҳтонга учради. Бундай пайтларда сабрни олтин деб билган адиб қалбини гарчанд бевақт отилган туҳмат тошлари тилка-пора этса- да, аламларини ичига ютишга мажбур эди.

Йўқ, унга отилган туҳмат тошларидан Шуҳрат эътиқоди баланд эди. У ҳар қанча зўрлиғу зорликлар кўрмасин, айтар сўзидан, тўғри йўлидан, иймон-эътиқодидан қайтмади. Амаллар, мукофоту унвонлар кетидан қувиб оқни қора, қорани оқ демади, виждонига қарши бормади. У ҳақ ва адолат ҳимоячиси, тўғрисўз Абдулла Қаҳҳорга ҳаммаслак эди.

Аммо бу Шуҳратга жуда қимматга тушди, ноҳақ камситишларга сабаб бўлди. Унинг 50 йиллик юбилейи шу кунларга тўғри келган эди. Шуҳратга жангчи шоир, носир, драматург сифатида халқ шоири унвонини бериш учун юқорига тавсияномалар берилган, Комил Яшин бошлиқ эзгулик тарафдорлари уни қўллаб-қувватлашларига қарамай, ҳужжатлар қаердадир йўқ бўлиб кетди...

Кейинчалик шоирнинг дўстлари, ҳамфикр биродарлари бу масалани уюшма мажлисларида кўтариб чиқишди. Ҳатто Ватан ишқида ёниб ижод қилаётган инсонни муносиб тақдирлашни қаттиқ талаб ҳам қилишди. Йўқ, пойдевори ёлғон билан барпо этилган салтанат учун бу талаблар осмонга тош отиш билан баробар эди. Овозимиз бўғилган, сўзимизни ўзимиздан бошқа ҳеч ким эшитмасди. Чинакам озодликни истаганлар қисмати Шуҳрат тақдиридек аянчли эди. Чин шоирлар ҳамиша халқ тарафида бўлади, қалбига қулоқ солади. Улар тил ва дил ўртасидаги кўприкларни бузмоқ истайдилар. Шуҳрат шундай шоир эди. У дунёда ёмонлардан кўра яхшилар кўплигига ишонарди. Адиб яхшиларнинг яхшиликларини, улуғларнинг олижаноблигини, покиза инсонлар қалбини авлодлар мулкига айлантириш учун яшади, ижод қилди.

Эртанги кун учун бу қалбинг керак, деб кишиларни яшашга, яратишга даъват этди ва яхши кунларга умид кўзини тикди.

Салом, эй, уфқимда кўринган қуёш, деб ёзди.

Шоир ҳатто қоронғу тундан ҳам ёруғлик, нур ахтарди. Уни ўзига «содиқ дўст» деб билди. Тинч-осуда тун ҳаёт инъоми эканлигини таъкидлаб, шу қора тунга ҳам «соф ният ила кир», дейди.

Умидли дунё ноумид қилма.

Шоирнинг ҳар бир шеъри унинг қалбидаги орзу-армонлар, дардчил руҳининг кўзгусидир.

Мен ҳайвон тилини уқдиму, нега
Кишилар тушунмас киши тилига.
Ҳамиша бир-бирин тушиб пайига
Ўқ-дори ҳозирлаб турар йўлига,

дея одамзотни ҳушёрликка, дунёнинг моҳиятини англамоққа чорлайди. Нурни, ёруғликни тўсиб бўлмаса-да, тақдир Шуҳратни миллатпарвар зиёлилар қатори ҳаёт денгизининг асов тўлқинлари қаърига отди. Шоир эса ҳамиша ҳаёт денгизидаги тўлқинларга қарши сузди, довулларга қарши борди, баъзан юрагини сокин мавжлар ихтиёрига топширди.



Адибга насиб қилмаган Ҳуррият дориломон кунлари унинг бахтиёр авлодларига, Ғуломмирзо каби зукко невараларига насиб этди.

Қўлларимга боқинг — топ-тоза,
Юзларимга боқинг — ёп-ёруғ,
Кўнглим эса нур тўла коса,
Ниятларим экилган уруғ.

Афсуски, Ўтмиш азоблари изсиз кетмади. У хасталаниб қолди. Ўттиз йиллик азоб-уқубатлар, гоҳо зимдан, гоҳо ошкора отилган таъна тошлари, камситишлар, унутишлар, назардан четга суришлар шоир жисмини жароҳатлади, саломатлигига путур етказди. Аммо шоир ажал билан юзма-юз яшаса-да, ижоддан тўхтамади. Халқнинг муҳаббати, дўсту шогирдларининг соғлом руҳи унга қувват берди. Бармоқлари ҳаракатдан тўхтаб, тиллари дудуқланиб қолса-да, сафларда мардона турди.

У жимгина, маъюс кўзлари билан дўстларига, биродарларига, ўзини минг синовга ташлаган дунёга қўшиқлар айтди. Кўзларидан учқун сўнмагунча, юрагида Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч шуълалари сўнмади. У умрининг интиҳоси, орзу-армонларининг кўзгуси, ўксик қалбининг нидоси сифатида икки сатр шеър битиб, қадрдон дўсти Саид Аҳмадга берди. Унда қуйидаги сатрлар битилган эди:

Меҳнатни ўнг қўл қилади,
Тилла соатни чап қўл тақади.

Шоир бу икки сатр билан шўро давридаги ҳаёти, ижодига баҳо берган эди.

Шуҳратнинг бу фикрларини ўқиб Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир каби шоиру адиблар қисмати хотирга келади. Улар давр қурбони, озодлик йўлида жонини тиккан фидоийлар эди. Улар сўнгги нафасларигача Ватан озодлиги, миллат меҳри ила яшадилар. Озодлик, Миллат, Ватан барҳаёт экан, унинг Озодлиги йўлида жон тикканлар, жафо чекканлар ҳам барҳаётдир.

Шуҳрат хасталикларни пўлатдек мустаҳкам иродаси, тоғдек сабр-бардоши билан енгиб, Истиқлолга етиб келди. Орзуларининг рўёби сифатида Мустақилликни қарши олди. Бир йиғинда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов миллатпарвар, турғунлик йилларида жафо чеккан ўзбек зиёлилари қатори унинг номини ҳам ҳурмат билан тилга олганларида шунча ҳақсизликларни кўрсада, ёшланмаган кўзлари намланди. Бу ҳақ қарор топганда юракдан сизиб чиққан севинч ёшлари эди.

Истиқлол ҳақсизликка, адолатсизликка барҳам берди. Миллатимизнинг сара ўғлонларини, маънавиятимиз гулшанидаги жавоҳир эгаларининг қадрини юксакка кўтарди. Заргар адиб бағрига ҳам Ҳуррият шамоли тегди. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этилди. Халқнинг меҳр-муҳаббати рамзи сифатида кўксини «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» нишони безади.

Шуҳрат қалам заҳматига умрини тиккан заргар ёзувчи эди. У Ватанига, халқига, келажак авлодга шундай маънавий бойликлар: уч роман, ўнлаб шеърий тўпламлар, сахна асарлари қатори бир-биридан оқил ва доно фарзандлар, Ҳақ сўзни қалб гавҳари деб билган сўзи нур, нафаси ўткир шогирдлар қолдириб кетди. Илло, пойдевори иймону эътиқод, саховату яхшиликдан тикланган бу Эзгулик қўрғони, дунё тургунча турғай.

Амина ҚОДИРОВА.

МЕНГА АЗИЗ ШУ ОНА ТУПРОҚ

СЕН БЎЛМАСАНГ, ЮРТИМ...

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир ариқман — суви қуриган!
Дунёда энг бахтсиз балки ман,
Балки гулман бевақт чириган.

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир куртакман ўсиб-унмаган.
Нури кетиб кунда кўркимдан
Баҳорда ҳам яшнаб кулмаган.

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Тупроқ ичра ётган гавҳарман.
На қадримга ўзим ҳокимман,
На ҳикматни эшитган карман!

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир лочинман қаноти синган.
Учиб юрган дайди бир қушман,
Бир булоқман қайнашдан тинган!

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир китобдан қадрин топмаган.
Паноҳи йўқ ғариб етимман,
Умр бўйи бахти чопмаган.

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир балиқман сувсиз денгизда!

ТАБИАТ ИНЪОМИ

Табиат инъоми ҳар битта одам,
Шоирлар, айниқса, кўз қорачуғи.
Шоирлар қўлига олганда қалам
Ёришиб кетади бу кўҳна олам!

Тошларга тил кириб, гиёҳ нур сочиб,
Булоқлар кўз очиб,
Жилға тошади.
Ошиқлар кўзидан уйқуси қочиб,
Қора тун ридосин тонгда тешади!

Не олса ҳаётдан шоирнинг ўзи
Ҳаммасин бирма-бир қайтиб беради.
Ўзгача кўради шоирнинг кўзи,
Ҳаммасин ўзича айтиб беради.

Ҳеч нарса ўзига олиб қолмайди,
Ҳеч нарса керакмас ашъордан бўлак!
Ашъордан бошқаси бачкана, майда,
Ашъор деб кул бўлар ундаги юрак!

Ҳаётдан не олса шоир юраги
Ҳаммасин бирма-бир бериб кетади.
Илҳомдир ҳаётда унга кераги,
Ҳаёт деб умрини фидо этади!

МУРОДИНГНИ АЙТ?

Ғўдакдан сўрдилар: — муродингни айт?
— Бу олам лиқ тўла қўғирчоқ бўлса!
Йигитдан сўрдилар: — муродингни айт?
— Ёнимда бир гўзал келинчак бўлса!
Келиндан сўрдилар: — муродингни айт?
— Қошимда нур тўла беланчак бўлса!
Онадан сўрдилар: — муродингни айт?
— Ўғилу қизларим орқамда қолсин!
Отадан сўрдилар: — муродингни айт?
— Элу юрт ҳамиша тинч, омон бўлсин!
Донодан сўрдилар: — муродингни айт?
— Жумлаи жаҳонни бахтиёр кўрсам!
Сахийдан сўрдилар: — муродингни айт?
— Кунаро дўстларга зиёфат қурсам!
Ошиқдан сўрдилар: — муродингни айт?
— Дунёда ҳеч қачон бўлмаса ҳижрон!
Эллардан сўрдилар: — ниятингни айт?
— Умрбод урушни кўрмасин жаҳон!

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР

чорвадорлар ҳузурида

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига қарашли «Амбуланс» машинаси «Нишон» қорақўлчилик жамоа хўжалигининг Отқудуқ яйловига келиб тўхтади. Ундан оқ халат кийган бир гуруҳ шифокорлар тушиб келдилар. Шу куни улар 30 дан ортиқ чорвадорларнинг оилаларида бўлиб, аёллар ва болаларнинг соғлигини кўздан кечирдилар, даволаш-эмлаш ишларини ўтказдилар.

— Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими директори Мажид Рашидов.

— Ҳақиқатан ҳам жамғарма ташаббуси билан тажрибали шифокорлар Қашқадарёнинг чекка қишлоқларига бориб, оналар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқдалар, саломатлик мавзуларида суҳбатлар уюштирмоқдалар. Жамғарма директори М.Рашидов вилоят туғруқхонаси бош шифокори Д.Турдиева, «Онабола скрининги» маркази бош шифокори З.Авлиёқулова, гинеколог врач Ш.Кенжаев ва бошқалардан иборат гуруҳ воҳанинг «Нишон», «Муборак», «Ўзбекистон» каби қорақўлчилик хўжаликлари чорвадорлари хонадонларида бўлиб аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди.

Жамғарма ёрдами билан вилоят марказида «Онабола скрининги» марказига 90 минг АҚШ доллари қийматидаги «Виктор-Дельфа» аппарати келтириб ўрнатилди. Аҳолига 60 миллион сўмлик дори-дармонлар ва тиббий анжомлар билан мурувват ёрдами кўрсатилди.

Жамғарма фаолияти соғлом авлодни шакллантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университетида иш бошлаган «Фемида» ёшлар маркази ҳуқуқий билимни эгаллашда талаба ёшларга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

«ФЕМИДА» - ЁШЛАР МАРКАЗИ

Марказга талабалардан ташқари ён-атрофдаги маҳалла ёшлари ҳам жалб қилинмоқда. Улар қизиқарли суҳбатлар, семинарлар, савол-жавоб кечаларида қатнашиб, ҳуқуқий билимларини оширмоқда. Тадбирларнинг сермазмун ўтишида университет ўқитувчиларининг хизмати катта бўлаётир. Университет маъмурияти «Фемида»ни зарур адабиётлар билан таъминлаш учун «Адолат» нашриёти билан шартнома имзолаб, мўъжазгина кутубхона ташкил этди.

Мухбир бонг уради

Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга ободонлашиб, чирой очиб бормоқда. Аммо ўтмиш сарқити бўлган лоқайдлик ва ўзибўларчилик касалидан фориғ бўлмаган айрим жойларда тозаликка, ободонлаштириш ишларига панжа орасидан қарайдиган мутасадди ташкилотлар ҳам йўқ эмас.

ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ

Яқинда Шўрчи туманига хизмат сафарига борганимизда нақ шаҳар марказидаги почта биноси ёнида тоғ-тоғ чиқиндиларни кўриб таажжубга тушдик. Бизни ҳайратга чўмдирган бу ҳолатнинг сабабини билиш мақсадида Шўрчи шаҳар коммунал хўжалигига йўл олдик. Бироқ идора биноси олдидаги чиқиндилардан беихтиёр муз қотдик. Ахир коммунал хўжалиги биносининг олдидаги тонналаб чиқиндилар ётганидан кейин шаҳарнинг бошқа кўчаларида тозалик ва ободонлаштириш қай аҳволда эканлигини ўзингиз билиб олаверинг.

Коммунал хўжалигининг бўлими мудири Акром Маматов билан танишиб, шаҳарни чиқиндилардан тозалашнинг иложи йўқми, дея сўрадик. Лекин у бу ташкилотга янги раҳбар этиб тайинланганини важ-карсон қилишдан нарига ўтолмади.

— Ҳозирча ночор аҳволдамиз, техникаларимиз яроқсиз. Борига ҳам ёнилғи йўқ ҳисоби, чунки нефт маҳсулотлари базасидан 750 минг сўм қарзимиз бор, — деди у.

Шаҳар тозалигига нафақат коммунал хизмати ходимлари, балки санитария-эпидемалогия назорати ҳам жавобгар-ку дея, назорат марказига йўл олдик. Афсуски, бош ҳаким вазифасини бажарувчи Холтўра Жабборов ҳам жавобгарликни ўзидан соқит қилишни маъқул кўрди. Тошбақанинг жонини косаси сақлайди деганларидек, улар бизга чиқиндилар бўйича Шўрчи туман ҳамда вилоят ҳокимлигига йўлланган хатларнинг нусхаларини кўрсатдилар.

Х.Жабборов бизга кўрсатган хатлар билан танишар эканмиз, шаҳардаги барча кўчаларда чиқиндилар тўпланиб қолганини англадик. Б.Жўраевга қарашли универмаг дўкон ёнида 3 тонна, шу кўчадаги эски ҳаммом яқинида эса 30-40 тонна атрофида чиқинди тўпланиб қолган. Шунингдек, Мустақиллик кўчасидаги меҳмонхона ёнида 5 тоннага яқин, Алишер Навоий ва Мустақиллик кўчалари туташган жойида 6 тонна, Қумқўрғон канали ёқасида эса 50-60 тонна атрофида ҳар хил чиқиндилар йиғилганлиги маълум бўлди.

Шаҳардаги бундай нохуш ҳолатларнинг юзага келишида нафақат раҳбарлар, балки маҳаллий идораларнинг ҳам ўзига хос «хизматлари» бор. Маҳаллаларнинг кўпчилиги коммунал хўжалиги билан маҳалла ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиш учун шартномалар тузмаган. Уни тўкадиган махсус жойлар ажратилмаган. Натижада чиқиндиларни дуч келган жойга ташлайверишган.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан кўзланган асосий мақсад ҳам юртимиз табиатини соғломлаштириш, мамлакатимиз чиройига чирой қўшиш, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтиришдан иборат эди.

Мазкур қарорда мавжуд боғлар, дарахт ва буталарга агротехник ишлов ва шакл бериш, барча йўлларни таъмирлаш, зовур ва ариқларни, дам олиш масканлари, бозор ҳудудларини, қабристонларни тозалаш, тартибга келтириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Афсуски, Шўрчи шаҳри кўчаларидаги ариқ ва зовурларни қазиш, тозалаш, янги дарахт кўчатларини экиш борасида ҳеч қандай ишлар олиб борилмаётир.

Йил бўйи кутганимиз фасли Навбаҳор ҳам ўлкамизга ташриф буюрмоқда. Унинг шодликлари билан бирга «ташвишлари» ҳам бисёр бўлади. Кунлар исиб кетса, тўпланиб қолган чиқиндилар оқибатида турли хил юқумли касалликлар авж олиши мумкин.

Устига-устак деганларидек, бу ҳудудда ичимлик суви ҳам муаммога айланган. Ибн Сино маҳалласида яшовчи аҳоли ҳалигача водопровод суви билан таъминланмаган. А.Шамкаев, В.Қодиров номли кўчаларда яшовчи аҳоли ичимлик сувини анча узоқдан ташиб келмоқда. Энг ачинарлиси, 130 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган туманда биронта ҳам ҳаммом йўқ.

Ажабо, Шўрчи туманидаги бошбошдоқлик ва лоқайдлик касали қачон барҳам топади?

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚАНОАТ

Маънавият мисоли бир уммон. Унинг ўз дарё-ю ирмоқлари, жилғаю булоқлари бор. Аждодлардан мерос қадимги битиклару муқаддас китобларимиз, азалий ва абадий қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз бу уммон канораларининг кенгайишига, унинг бемисл дуру жавоҳирлар билан бойишига хизмат қилади.

Бироқ, биз ҳаётда ҳар куни кўриб-билиб юрган оддий воқеа-ҳодисалар ҳам борки, улар-да маънавий оламимиз хазинасига қўшилган бебаҳо ёмбилардир. Фақатгина бундай ҳолатларни ҳазрат Румий айтганларидек, кўнгил кўзи билан кўриш, қалбан ҳис этиш лозим.

Шу мақсадда бугундан бошлаб, азиз муштарий, ҳукмингизга ўз бағрига олам- олам ҳикматларни жо қилган оддий воқеа- ҳодисалардан таркиб топган ҳикояларни ҳавола этамиз. Зеро, ҳар қандай оддийлик ботинида ҳам бир буюклик зоҳир бўлиши мумкин.

Маънавият сарчашмалари

Умрни бежиз йўлга менгзашмайди. Ибтидо ва интиҳо оралиғида одамзот не-не инсонларга, ажойибу ғаройиб воқеа-ҳодисаларга дуч келмайди, дейсиз. Кимдир улардан сабоқ олиб ўз ҳаётини пурзиё қилса, кимдир...

Тошкент-Оққўрғон йўналишидаги автобус йўлига кўз тикавериб толиқдим. Азбаройи бетоқатлигимни сезибми, йўловчилардан бири маслаҳат берди.

— Яхшиси, «Дамас»лардан бирига ўтиринг, автобусни пойласангиз кеч қолишингиз тайин.

Киракашлик қилаётган машиналар томонга ўтдим. Аксига олиб, ўзимдан бўлак талабгор йўқ экан. «Дамас»у «Тико»лар эса бисёр. Кўринишидан соддароқ ҳайдовчига «дардим»ни айтдим. «Укажон, мен жон деб ҳожатингизни чиқарардим. Манави укам ҳам Оққўрғонга бориб, у ердан касал ўғли билан хотинини Тошкентга олиб келишни илтимос қиляпти. Аммо бизда навбат деган қоида бор. Ана у «Тико» жўнаб кетмасдан мен жойимдан жилолмайман».

Ноилож янги топган шеригим билан «Тико» эгасига юзландик. Афсуски, ҳали мўйлаби сабза урмаган йигит ўз нархидан уч баробар ошириб айтгани етмагандек, «тўла комплект» бўлмагунча кетмаслигини писанда қилди.

Чорасизликдан яна «Дамас» ҳайдовчисига юзландик. Аҳволимизга ачинган ҳайдовчи салкам невараси тенги боладан қўлини кўксига қўйганча, навбатсиз жўнаб кетишга рухсат сўради. Ниҳоят, бироз кечикиб бўлса-да, йўлга тушдик. Йигит касал ўғлини ўйлабми, миқ этмас, менинг ҳам суҳбатга унчалик тобим йўқ эди. Аммо жим кетиш ҳам ноқулай. Ноилож машинадан гап очдим.

Маълум бўлишича, Обид ака (ҳайдовчининг исми шундай экан) Оққўрғон туманидаги 46-автосаройда ҳайдовчи бўлиб ишларкан. Бўш пайтлари эса ҳарна рўзғорга ёрдам, деб киракашлик қиларкан. Сирасини айтганда, бу одам ҳеч киракашга ўхшамасди. Негаки, йўлда ким қўл кўтарса тўхтар, бир-икки чақиримми ё ундан олисроққами, сўраб ўтирмасдан машинага чиқарар, аммо йўл ҳақининг ярмидан ҳам камини оларди.

У бир соатлик йўл давомида неча мактаб ўқувчисининг ҳожатини чиқарди. Аммо биронтасидан пул олмади. Пул узатган отахону онахонларга эса «Пулингиз керакмас, яхшилаб бир дуо қилсангиз бас», дерди. Обид акани кузатяпману шаҳар автоуловларидаги ҳайдовчи-ю чиптачиларнинг ёш болаларга дўқ уришлари, нафақа дафтарчасини уйда унутиб қолдирган пенсионерларга бақиришлари кўз ўнгимдан бир-бир ўта бошлади.

Нега у бундай қиляпти?! Нега совуқда дийдираб мактабга шошаётган ўқувчи боланинг, ҳассасига таяниб ўтирган мана бу қарияларнинг пулини қайтариб бераяпти?! Олганларидан-да инсоф билан, мўлжалдагидан ҳам кам олаяпти? Эҳтимол, у бугунини эмас, охирати ободлигини ўйлаётгандир. Эҳтимол, унинг ҳаётдаги шиори, яшаш тарзи шундайдир.

Кейин билдим: у биринчи йўловчи билан бутун йўл харажати бўйича байлашиб қўйган экан. Ажабландим. Ахир ортиқча пул зарар қилмайдику! Ҳайдовчи кулди:

— Оздами барака, кўпдами барака. Оз бўлса ҳам оиламга юқсин, ортиқчасининг менга кераги йўқ.

Оятулло РАҚИБОВ, журналист.

Келажак юзингда кулмоқда, болам,
Кўзингда бахт жоми тўлмоқда, болам.
Сенинг кулгуларинг бахтимдан нишон,
Эртамиз бахтлироқ бўлгуси, ишон.

Икром ҲАСАНОВ сурат-лавҳаси.

ИСТЕЪДОД

Рангтасвир санъатининг портрет ва манзара жанрларида баракали ижод қилиб келаётган истеъдодли мусаввир Ориф Муин нафақат Ўзбекистонда, балки қатор хорижий мамлакатларда ҳам яхши танилиб қолди. Унинг ижод намуналари Американинг «Ўзбек», Германиянинг «Виллер», Польшанинг «Жаско», Швейцариянинг «Хейул Хиллери» галереяларида ҳам сақланмоқда. Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонасида ҳам рассомнинг бир неча асари тақдим этилди.

Ўзбекистон рассомлар уюшмаси йўли билан мусаввирнинг навбатдаги кўргазмаси Самарқанд Давлат чет тиллар институтида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Мазкур экспозициядан унинг «Олтин куз», «Бозорда» каби асарлари билан бирга аёлларни мадҳ этувчи «Тўмарис», «Увайсий», «Нодирабегим», «Келин» деб номланган портрет жанридаги ижод намуналари ҳам ўрин олди.

Тож талабгорлари

ТАРТАКОВЕР

У умр бўйи шахмат билан бирга бўлди. Ёши 60 дан ошган бўлса ҳам ҳамон турнирларда қатнашиш, ўзига хос ва ёрқин мақолалари-ю, шарҳларини эълон қилиш, бир йўла ўйин сеанслари беришда давом этарди. Шахмат тахтаси ёнидаги муваффақиятлари энди аввалгидек бўлмаса-да, кўп партияларда машҳур устанинг қўли сезилиб турарди.

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

У табиатан оғир-вазмин бўлиб, нотинч ҳаёт кечирди. Ажойиб қобилият ва чуқур билимлар соҳиби ҳуқуқшунослик доктори унвонига эга бўла туриб, бутун умрини бахт кетидан қувиш билан ўтказди. Турнирлардаги муваффақиятлари ҳам, китоблари ҳам катта меҳнат ва ишчанлик натижасидир.

Савелий Тартаковер 1887 йил 22 февралда Ростов-Донда туғилди. Австрия фуқароси бўлган ота-онаси Савелий ғўдаклигида Россиядан кўчиб кетадилар. Тартаковернинг ёшлиги Венада ўтиб, шу ерда олий маълумот олди.

Тартаковерга 19 ёшида усталик унвони берилгач, у профессионал шахматчи бўлишга аҳд қилади. Мамлакатма-мамлакат, турнирма-турнир юришлар, мусобақалар орасидаги вақтда шахматга оид мақолаларни таҳрир қилиш, турли журналларда иштирок этиш, бир йўла ўйин сеанслари бериш, таржима ишлари бошланиб кетади. Буларнинг барчасини у катта истеъдод ва тезкорлик билан бажаради. Ҳатто, турнирда унчалик муваффақиятли ўйнамаса-да, бир қатор партиялари ора-сира жойлашган олмосдек эди: мақола ёки репортажлари чуқур маъно, ўткир таҳлилга эга бўларди. Ёрқин адабий услуби, улкан салоҳияти уни энг машҳур шахмат журналистларидан бири қилиб қўйди. Кўпгина маънодор иборалари афоризмга айланди.

Тартаковернинг номи ярим асрча халқаро мусобақалар билан боғлиқ бўлган эди. У юздан ортиқ турнирларда қатнашди. Қирчиллама йигитлик чоғида Тартаковер қонуний суратда жаҳоннинг етакчи шахматчилари сафига кирганди. Айниқса, 20-30-йилларнинг бошларидаги ўйинлари муваффақиятли кечади. Тартаковер Льеж (1930)даги ғалабасини ўзининг энг юксак ютуғи деб ҳисоблади: бу ерда у Нимцович, Рубинштейн, Маршаллардан 2 очко ўзиб кетади.

Бу шахматчи ажойиб тактик ҳам эди, у доимо ўткир ечимларни изларди. Нафис табиати нусха кўчиришни ёқтирмас, шунинг учун ҳатто, кенг ва чуқур дебют билимларига эга бўлса ҳам ўзгача, кам қўлланиладиган ўйин услубини танлашни яхши кўрарди. Бу каби янгиликка интилиш уни Нимцович ва Ретиларга фикрдош даражасига кўтарди. У позициявий услуб принципларига бошқачароқ баҳо берган ҳолда назарияга озмунча ҳисса қўшмади.

Тартаковер ўз шахмат маслагини «Энг замонавий шахмат партияси» номли ажойиб китобида баён қилиб берди. Ласкер бу китобга юксак баҳо бериб, унинг муаллифини «шахмат ўйинининг Гомери» деб атади, китобни эса «шахмат Илиадаси»га ўхшатди.

Бу машҳур гроссмейстер, назариётчи ва адиб ўзидан талай китоблар, кўплаб ажойиб партияларни қолдирди. Тартаковер 1956 йил 5 февралда Парижда вафот этди.





МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Иккала масалада ҳам оқлар бошлаб уч юришда мот қилади.

Касаба уюшма спорти

«АЛОҚАЧИ» ПЕШҚАДАМ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти спорт залида Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши соврини учун мини футбол бўйича ўтказилаётган тармоқлараро биринчиликнинг тўртинчи тур ўйинлари ниҳоясига етди.

Турнинг биринчи учрашувида ёқилғи-энергетика ходимлари жамоаси «Авиасоз» футболчилари билан тўп суриб, дуранг (2:2) натижага эришди. «Енгил саноат» ва «Автомобилчи» ўйинчилари ўртасидаги беллашувда 3:5 ҳисобида қайд этилган бўлса, «Локомотив» - «Ўқитувчи» жамоалари ўйини 8:7, «Алоқачи» - «Тадбиркор» учрашуви 10:6 ҳисобида якунланди.

Ушбу беллашувлардан сўнг Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг «Алоқачи» жамоаси 12 очко тўплаган ҳолда пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринни эгаллаб турган «Ёқилғи-энергетика мажмуаси» жамоаси ҳисобида эса 10 очко бор.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари 10 март куни аниқланади.

М. ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.

«УНИВЕРСИАДА-2002»ГА ТАРАДДУД

Маълумки, мамлакатимиз талаба ёшларининг навбатдаги улкан спорт мусобақаси «Универсиада-2002» байроғи Бухоро шаҳрида кўтарилади. Навқирон қалбларга хуш кайфият, завқ-шавқ улашадиган бу спорт байрамига ҳозирлик кўриш бўйича Бухорода вилоят ташкилий қўмитаси, мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи тузилди.

«Универсиада-2002»ни ўтказиш республика ташкилий қўмитасидан маълум қилишларича, спорт мусобақаларига тараддуд кўриш дастури бўйича Бухорода замонавий спорт иншоотларини кўпайтириш кўзда тутилган. «Кичик олимпиада» номини олган бу байрамнинг асосий мусобақалари «Бухоро» ўйингоҳида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ўйингоҳнинг деярли 90 фоизи қайта таъмирланади ва жаҳон андозалари ҳолига келтирилади. Шунда бу йирик спорт мажмуидаги ўриндиқлар сони 30 мингтага етади.

Шунингдек, ўйингоҳга электрон табло ўрнатилади, сервис хизмати кенг йўлга қўйилади. Бу каби бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун икки ярим миллиард сўмлик маблағ сарфланади.

Мусобақага Бухоро Давлат университетида ҳам катта тайёргарлик кўриш ишлари бошланиб юборилди. Олий ўқув юртининг спорт зали ва стадиони қайта жиҳозланиб, янгича замонавий кўриниш касб этиб бормоқда.

А.АЛИЕВ.

Мулоҳаза

БОЛАНГИЗГА КИТОБ ОЛИБ БЕРИНГ...

Мамлакатимиз истиқболи, буюк давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз қандай самара бериши кўп жиҳатдан ёшларга боғлиқ. Зеро, уларга яна ҳам яқинроқ бўлишимиз даркор. Тан олиш керак, бунинг уддасидан чиқиш ҳам осон эмас. Маданият ходими, бир санъаткор сифатида ёшлар даврасида бўлганимда буни кўп бора ҳис қилдим.

Туманимизда 5 та клуб, 4 та қишлоқ маданият уйи, 16 та қишлоқ кутубхоналари мавжуд. Ўтган йили бир ярим мингдан ортиқ турли тадбирлар ўтказилди. Буларнинг аксарияти ёшлар учун эди. Саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ 19000 нафардан зиёд киши маданият муассасалари хизматидан баҳраманд бўлди. «Зилола», «Дилрабо» болалар ашула ва рақс жамоалари халқ дастаси эса касаба уюшмалари республика танлови ғолиблигини қўлга киритди. Биз оммавий тадбирларни янада кўпайтириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Булар маълумот учун, лекин мана буниси...

Мен бир одамни анчадан буён кузатаман. Ёши эллик бешдан ошган. Яшаш жойи кутубхонадан анча олисда. Ҳар гал кутубхонага икки сумкани тўлатиб кириб келади. Яқиндан танишдик. Бекмурод Исоқов экан. Кейинги уч ойда у анчагина китобни ўқиб чиқибди. Бекмурод аканинг китобга меҳри сабаб бўлди-ю 114 минг китоб фондига эга кутубхонамиз ўқувчилари билан қизиқдим. Китобга меҳр боғлаганларнинг ярмидан ошиғини катта ёшдаги кишилар ташкил этаркан. Ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг китоблар оламига ташналиги ҳам кишини қувонтиради. Аммо ўн саккиздан йигирма беш ёшгача бўлган китобхонларнинг аксарияти қизлар. Таажжубга тушасан киши.

Туманимиз аҳолисининг йигирма фоизга яқинини айни шу ёшдагилар ташкил этаётган бир чоғда уларнинг ўқишга иштиёқи шунчалар сустми? Кутубхоначилар билан кенгашиб балоғат остонасидаги ёшлар фикрини ўрганишга жазм этдик. Ёзма сўров тариқасида юз нафар ёшнинг муносабати ўрганилди. Таассуфки, атиги икки фоиз ёшларгина қўлига китоб тушиб қолса ўқиши мумкинлигини баён этибди. Сўровномада иштирок этганларнинг асосий қисми китоб ўрнини аллақачон кино эгаллаганлигини, ўқишга вақти ҳам, фурсати ҳам етмаслигини баён этган. Кўриниб турибдики, тарбиямизнинг қаеридадир озгина бўшлиқ пайдо бўлган. Фикри ожизимча китобга, илмга ташналикни шакллантириш аввало оиладан бошланади. Кузатишлар туманимизда юздан ошиқ оилавий китобхонлар мавжудлигини кўрсатди. Беихтиёр ўйлаб қоласан: ахир оталаримиз кўча-куйда санқиб юрсак дашном бериб,ҳатто бир оз ранжиб китоб ўқиб ўтиришимизни талаб қиларди-ку. Бугун бир ота сифатида фарзандларимиз олдига шу ҳақли талабни қўя олаяпмизми? Ҳамма гап шунда.

Мамлакатимизда илм олиш учун барча имкониятлар яратилган. Бозор иқтисоди қийинчиликларига қарамасдан энг чекка қишлоқлардаги кутубхоналар ҳам янги нашрлар, оммавий ахборот воситалари билан таъминлаб келинмоқда. Бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Китоб мутолааси эмин-эркин. Фақатгина унинг қадрига ета билганимизча йўқ.

Обиджон ҲАМИДОВ, Сирдарё вилоят Мирзаобод туман ҳокимлиги маданият ишлар бўлими мудири.

Биласизми?

ТОҒ ЖИНСЛАРИ ТУФАЙЛИ

«Нега денгиз суви шўр?» деб сўрашганда, афанди «Балиқлар сасиб кетмасин учун» деб жавоб берган экан.

Дарҳақиқат, денгиз суви нега шўр бўлади? Фараз қилишларича, бир вақтлар қуёш яқинидан қандайдир юлдуз ўтган пайтда унинг тортиш кучи таъсирида қуёшдан каттагина бўлак ажралиб кетган ва шундан планетамиз ҳосил бўлган экан. Кейин ер сатҳининг ҳарорати 100 даражагача пасайган ва ҳавода тўпланган буғ сувга айланиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ғоят кучли сел ёғган.

Натижада чуқурлик ерларда чучук сувли океанлар вужудга келган. Миллиард йиллар ўтиши билан дарёлар тоғ жинсларидаги тузни ювиб оқизиб келавериши туфайли океан суви шўрланган.

Шуни айтиш керакки, океан тубидаги чўкинди қатламлар дарахт танаси кўндаланг кесимидаги халқаларга ўхшаб кетади. Ана шу қатламларни синчиклаб ўрганиш натижасида турли геологик даврларда океан суви таркибида қанча туз бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Марказий қўмита аъзоси Зарип Бурхоновга ўғли **БАҲОДИРЖОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари Марказий қўмитаси маҳкаманинг бош ҳуқуқий меҳнат нозири Ф.И. Кузьменкога онаси **ЕКАТЕРИНА КУЗЬМЕНКО**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2124. 1 2 3 4 5 6